

**«ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА АХБОРОТ МАРКАЗЛАРИНИНГ
РОЛИ» мавзусидаги**

МАЪРУЗА

Маърузачи: Ғ.Дусмуратов

Тошкент– 2020

VI -мавзу. ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА АХБОРОТ МАРКАЗЛАРИНИНГ РОЛИ

- Режа
- 6.1. Инновацияларни ўзлаштириш истиқболлари ва ахборот марказларининг роли
- 6.2. АСМ инновацион таъминотида ахборот-маслаҳат тизимининг роли
- 6.3. Аграр сиёсатни модернизация қилиш ва АСМни инновацион ривожлантириш борасидаги чет эл тажрибаси
- 6.4. АСМда инновация ва инвестиция лойиҳалар самарадорлигини таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

- **6.1. Инновацияларни ўзлаштириш истиқболлари ва ахборот марказларининг роли**
-
- Кечиктириб бўлмайдиган ижтимоий муаммоларни ҳал этмасдан ва қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш сиёсатини амалга оширмасдан туриб, қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириб бўлмайди.
- Қишлоқда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан шаҳар шароитига яқинлаштирилган турмуш даражасини шакллантириш ва қишлоқнинг жамиятдаги ижтимоий-ҳудудий кичик тизим сифатидаги вазифалари – ишлаб чиқариш, демографик, ижтимоий-маданий, табиатни муҳофаза қилиш, рекреацион, ҳудуд устидан ижтимоий назорат юритиш бўйича ҳудудий-коммуникацион вазифалар тўлдирилишини мақбуллаштириш ижтимоий ривожлантириш сиёсатининг узоқ муддатли мақсади ҳисобланади.

- Кўзланган мақсадга қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш орқали эришиш мумкин:
- – қишлоқ хўжалигининг юқори рақобатбардошлиги ва самарадорлигига эришиш бўйича дастурлар ва институционал тадбирлар мажмуини амалга ошириш;
- – қишлоқда кичик ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш, деҳқон ва фермер хўжалиқларини, кредит, савдо-харид кооперативлари ва бошқа турдаги хизмат кўрсатувчи кооперативларни қўллаб-қувватлаш;
- – қишлоқда уй-жой қурилишини ва ижтимоий инфратузилмани: қишлоқ ҳамжамияти эга бўлган ресурсларни газлаштириш тизимларини ривожлантириш;
- – қишлоқ ҳамжамиятларининг ҳаётини демократлаштириш, меҳнат муносабатларини жамоавий тартибга солишни, маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни, жамоат ва жамоат-хўжалиқ ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш орқали аҳолининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишдаги иштирокини фаоллаштириш;
- – республикамизнинг турли минтақаларида қишлоқ ҳудудларини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш даражасини ўзаро яқинлаштириш.

- Деҳқончиликда истиқболли йўналишлар қуйидагилар ҳисобланади:
- бозор муносабатлари шароитларида хўжалик юритиш талабларига жавоб берадиган, янги, илмий асосланган деҳқончилик тизимини ишлаб чиқиш;
- маълум тупроқ-иқлим шароитидаги ҳудудлар учун очиқ йўналишдаги, қисқа ротацияли алмашлаб экишни киритиш:, алмашлаб экишда бозор талабидан келиб чиққан ҳолда маълум ўзгартиришлар амалга оширилишини кўзда тутиш;
- экинларга ишлов беришда ресурслар ва энергияни тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш;
- деҳқончиликда бевосита биологиялаштириш (ўсимликларни ҳимоя қилиш, уларнинг ўсиши ва ривожланишини таъминловчи биологик усуллар)ни жорий этиш;
- янги, юқори самарали, кўп компонентли ўғитларни ва уларни қўллаш усулларини ишлаб чиқиш;
- деҳқончиликни экологизациялаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш.

- Янги технологияларни ўзлаштириш – асосий мақсад эмас. Бунда инвестициялар учун даромад олиш зарур, унинг потенциал даромадлигини баҳолаш керак. Амалдаги аграр сиёсат доирасида қишлоқ хўжалигини ўрганиш ва бу соҳадаги мониторинглар кўрсатишича, амалиётда шундай вазиятлар юзага келадими, бунда янги технологиялардан фойдаланишга ҳали эрта ёки кеч; мавжуд талаб кетган харажатлар қайтишини таъминламайди; корхона қўллаш тажрибасига эга бўлмаган технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотни бозирга олиб чиқади. Технологик омиллар иқтисодий омиллар билан узвий боғлиқ бўлиши керак. Келажакда янгиликларни киритишдан олинадиган фойдани баҳолаш янгиликларни қўллаш, иқтисодий асосланган стратегияни ишлаб чиқиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, бозорда рақобат шароитини шакллантиришга кўмаклашади

АСМ инновациявий ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти



- АСМни инновацион янгилашнинг муҳим жиҳатларидан бири интеллектуал мулкни ҳимоялаш, ушбу мулк объектлари қийматини баҳолаш муаммолари ва интеллектуал фаолият натижалари билан боғлиқ инновациялар бозорини шакллантириш истиқболлари ҳисобланади.
- Бу борадаги масаланинг аграр жиҳатлари бўйича амалга оширилган тадқиқотларнинг муҳим натижалари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:
 - – аграр секторда интеллектуал мулк билан боғлиқ тушунчани ривожлантириш;
 - – илмий-техника салоҳиятини баҳолашга ёндашув ва ундан республика иқтисодиётининг аграр секториди фойдаланиш ҳамда инновация маҳсулоти бозорини ривожлантириш;
 - – интеллектуал мулк объектига бўлган ҳуқуқларнинг бозор қийматини аниқлашнинг методолигик асослари (селекция ютуқлари мисолида).

- **6.2. АСМ инновацион таъминотида ахборот-маслаҳат**
- **тизимининг роли**
- Иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида қишлоқ жойларда тадбиркорликнинг ҳолатига ижобий баҳо бериб бўлмайди. Долзарб билимларга эга бўлмаслик, айниқса, ҳисоб-китоб, фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш, инновацион ва инвестицион менежмент йўқлиги ишлаб чиқариш жараёни бузилишига, корхоналар фаолиятининг самарадорлиги пасайишига олиб келади. Қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли турмуш тарзининг оғирлиги, инфратузилманинг ачинарли аҳволи, табиий-иқлимий ҳудудлар бўйича мураккаб (крионоген) вазиятлар, демографик муаммоларнинг кескинлашуви, аҳоли бандлик даражасининг пастлиги ўз-ўзидан маълум даражада салбий бир доирани, муҳитни юзага келтириб, ундан чиқиб кетиш учун (ёки уни бартараф қилиш учун) ташқаридан муайян даражада молиявий ва ахборот томонидан қўллаб-қувватланиш талаб этилади.

- Ахборот-маслаҳат хизмати фаолиятини янада кучайтириш мақсадида қуйидагилар зарур:
- 1. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Матбуот хизмати негизида республика ахборот-маслаҳат хизматини тузиш, ихтисослаштирилган кенгашлар эса ташаббусни ўз қўлларига олишлари керак.
- 2. Қишлоқ хўжалиги бўйича маслаҳат маркази Ўзбекистон АСМсининг АМХ сифатида белгиланган барча тузилмалар билан республика даражасида маълум вазифаларни бажариш орқали мазкур хизматни ривожлантириш ва фаолият кўрсатишида иштирок этишга розилиги тўғрисида битим тузиши лозим.
- 3. Ташкилот (бирлашма)лар янги вазифаларга мувофиқ ўз низом ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар (қўшимчалар) киритишлари зарур.
- 4. АСМ АМХ кенгашида республика миқёсида ахборот-маслаҳат хизмати ролини бажаришга талабгор бўлган ташкилот (бирлашма)ларни эшитишлари ва уларни республика даражасидаги АМХ тузилмаси сифатида тасдиқлашлари керак.
- 5. Ҳар бир ташкилот (бирлашма) бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, уларнинг республика даражасидаги тузилма сифатида вазифалари ва вазифаларини белгилаш ва тасдиқлаш, АМХ кенгашида ушбу йўналиш бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида вақти-вақти билан ҳисоботлар тингланиши лозим.

**E'TIBORLARINGIZ UCHUN
RAHMAT!**